



ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Қўчқаров Диёрбек Абдувосит ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17480177>

ARTICLE INFO

Received: 25th October 2025
Accepted: 28th October 2025
Published: 29th October 2025

KEYWORDS

Талончилик жинояти,
виктимологик
профилактика,
профилактика инспектори,
аҳоли билан ҳамкорлик,
ҳуқуқий асослар,
жиноятларнинг олдини
олиш.

ABSTRACT

Мақолада талончилик жиноятларининг
виктимологик профилактикасини таъминлашда
профилактика инспекторининг фаолияти таҳлил
қилинган. Виктимологик ёндашув доирасида аҳоли
билан самарали ҳамкорлик усуллари ва ҳуқуқий
асослар кўриб чиқилиб, профилактика инспектори
фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар
берилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳаллаларда хавфсиз ва барқарор ижтимоий
муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жиноятчиликка
қарши курашишда профилактика инспекторларининг ўрни тобора мустаҳкамланмоқда.
Бу йўналишда идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ва профилактик тадбирларни
мақсадли ташкил этиш учун муҳим ҳуқуқий асослар яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги
ПФ-209-сон Фармони билан маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини
олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича идоралараро **еттилик тизими**
жорий этилди. Ушбу тизим профилактика инспекторларининг маҳаллалардаги етакчи
ролини белгилаб, жиноятчиликка қарши курашишда давлат ва жамоат
институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 2025 йил 3 январдаги **ПҚ-1-сон қарор** билан криминоген вазияти
мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича **манзилли чоралар
концепцияси**, «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» ташкил этиш
бўйича намунавий талаблар тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда профилактик фаолиятнинг
асосий йўналишлари, амалга ошириш механизмлари, тизимли назорат қоидалари ва
кутилаётган натижалар аниқ белгиланди.

Бундан ташқари, 2025 йил 18 августдаги **ПҚ-253-сон қарор** билан маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимини рақамлаштириш, мониторингни кучайтириш ва профилактика ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Бу қарор профилактика инспекторлари фаолиятида «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» талабларини татбиқ этишни, хавфли ҳудудларни мунтазам кузатиш ва аҳолини хабардор қилишни таъминлайди.

Айнан шу норматив-ҳуқуқий база жиноятчиликка қарши курашишда виктимологик ёндашувни самарали татбиқ этиш учун замин яратади. Чунки жиноятларнинг олдини олишда фақат умумий профилактика билан чекланиш етарли эмас, балки жабрланувчилик хавфини камайтиришга қаратилган махсус чоралар ҳам зарур.

Жиноятчиликка қарши курашишда виктимологик ёндашув асосида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жамият хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги **ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг** 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўрт тури белгиланган: умумий, махсус, якка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика. Улар ичида виктимологик профилактика алоҳида аҳамият касб этади, чунки у жиноят содир этилишига шарт-шароит яратувчи омилларни эмас, балки шахснинг жабрланувчига айланиш хавфини камайтиришга қаратилган.

Қонуннинг 43-моддасида виктимологик профилактика “ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти” сифатида таърифланган. Бу чора-тадбирлар шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва профилактика инспекторларининг амалий фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Талончилик жинояти ҳам аҳоли хавфсизлигига жиддий таҳдид соладиган жиноят турларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **166-моддасида “ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш”** сифатида таърифланган. У кўпинча кўчаларда, бозорларда ва одамлар гавжум жойларда содир этилади, бу эса унинг виктимологик профилактикасини кучайтиришни талаб этади.

Профилактика инспекторлари виктимологик профилактиканинг қонун билан белгиланган чора-тадбирларидан самарали фойдаланиш орқали аҳолининг жиноят қурбонига айланиш хавфини камайтиради. ЎРҚ-371-сон Қонуннинг 44-моддасида бу чора-тадбирлар аниқ белгиланган бўлиб, улар жабрланиш хавфи юқори бўлган шахслар билан индивидуал иш олиб бориш, аҳолини низоларни ҳал этиш усулларига ўргатиш, жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган махсус чоралар кўриш, жиноятлар кўп содир этиладиган ҳудудларни мунтазам назорат қилиш, ишонч телефонлари ва тезкор алоқа тизимларини йўлга қўйиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Айнан шу чора-тадбирлар профилактика инспектори фаолиятида самарали қўлланилганда, талончилик жиноятларининг олдини олишда юқори натижаларга

эришиш мумкин. Шу боис мазкур мақолада талончилик жиноятларининг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришда профилактика инспектори фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари ҳуқуқий асослар ва амалий механизмлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Талончилик жиноятларининг виктимологик профилактикасини самарали ташкил этишда профилактика инспектори фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда нафақат жиноятчиликка мойил шахслар билан ишлаш, балки жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган аҳоли қатламларини ҳимоя қилишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Виктимологик ёндашув фақат жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини эмас, балки жабрланувчи шахсларнинг ижтимоий ҳолати, уларга таъсир этувчи омиллар ва эҳтимолли хавфларни ҳам чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Ушбу йўналишдаги ишларни тизимли асосда ташкил этиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги 801-сон қарори билан тасдиқланган **«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом** бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Низомга кўра, ижтимоий профилактика тадбирлари нафақат ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бор шахсларга, балки ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳам қаратилган. Жумладан, парваришга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар каби ижтимоий заиф қатламлар алоҳида эътиборга олинади.

Профилактика инспекторлари ушбу тоифадаги шахсларни аниқлаш, улар билан мунтазам иш олиб бориш, маҳалла фуқаролар йиғини, ижтимоий хизматлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда жиноятлардан ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишлари зарур. Шу билан бирга, профилактика фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш, хавф гуруҳларини электрон рўйхатда юритиш, хавф таҳлили орқали потенциал қурбонларни олдиндан аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш муҳим ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 801-сон қарорининг амалга кириши профилактика инспекторларига жиноятчиликка мойил шахслар билан бир қаторда жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар билан ҳам мақсадли иш олиб бориш имконини берди. Бу эса талончиликка қарши виктимологик профилактикани маҳалла даражасида тизимли амалга оширишда янги босқични белгилаб берди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак талончилик жиноятларининг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришда профилактика инспектори фаолиятини самарали ташкил этиш — жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ВМ-801-сон қарори ва унга илова қилинган Низомнинг қабул қилиниши профилактика ишларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади ва маҳаллаларда хавф гуруҳларига манзилли ёндашувни таъминлади. Профилактика инспекторлари фаолиятини замонавий ахборот воситалари, маҳаллий ҳамкорлик механизмлари ва виктимологик таҳлил асосида ташкил этиш жиноятларнинг олдини олишда аниқ натижаларга эришиш имконини беради..

References, Литературы, Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони.
4. 2024 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 801-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарори.

INNOVATIVE
ACADEMY